



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 27 май, № 111 (7613)

Чоршанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: БЕПАРВОЛИК ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ БАРЧА ИШЛАРИМИЗ НАТИЖАСИНИ ЙЎҚҚА ЧИҚАРИШИ МУМКИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 май куни инвестиция масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши аввалида мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди: — Кейинги кунларда коронавирус билан касалланганлар сони мамлакатимизда ҳам кўпайгани кайд этилмоқда. Айтиш керакки, аксарият ҳудуд ва қорхона раҳбарлари, фуқароларимиз карантин чораларининг юмшатилганини “касалик тугади” деб, нотўғри талқин қилмоқдалар.

хотиржамликка берилиш мумкин эмас.

Айниқса, бозорлар, савдо комплекслари, банкларда ижтимоий масофага амал қилмаслик, куча-кўйда тиббий никооб тақмаслик, бемалол ва хотиржам бўлиб, уйларда турли тадбирлар ўтказиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бундай салбий ҳолатлар касалликни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш учун қилаётган барча ҳаракатларимиз, бюджетдан олинаётган триллионлаб харажатларимиз натижадорлигини йўққа чиқариши мумкин.

Бугунги кунгача чет элдан 47 миң фуқароларимиз олиб келинди. Афсуски, уларнинг, айниқса, кейинги икки ҳафта давомида кириб келганларнинг аксариятида коронавирус аниқланган.

Республика комиссияси вилоят ҳокимлари билан бирга бир кун муддатда эпидемиологик вазият ёмонлашган ҳудудларнинг тоифасини қайта кўриб чиқсин ҳамда карантин чораларини кучайтириш бўйича тақлиф киритсин.

Кейинги 10 кунда 3,5 миң одам ҳаво йўллари, 7 миңга яқин ватандошимиз чегара постлари орқали юртимизга кириб келиши кутилган. Бунга қўшимча яна 100 миң нафардан ортиқ киши Ўзбекистонга қайтиш истагини билдириб, навбат кутмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги “қизил” ва “сарик” ҳудудларда кунлик тест олиш сонини ошириши лозим. Бунда тиббиёт муассасалари, бозорлар, банклар ва аҳоли кўп жойларда назорат тестлар олишни кўпайтирсин.

Фуқароларимиз қайтиб келаётган давлатлар ҳамда қўшни мамлакатлардаги вазиятнинг оғирлигини ҳисобга олиб,

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «МЕҲР-САХОВАТ» КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, глобал муаммага айланган коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар, фавқулодда ҳолатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган, миллий қадрият ва анъаналаримизни муносиб давом эттириб, меҳроқибат, саховат, ғаммат ва оилаюноблик фазилатларини улуглаб келаётган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга беминнат кўмак бериш борасидаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб, бегараз ҳимойлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан кўпчиликка алоҳида ўрнатилган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони таъсис этилсин.
2. Куйидагилар: «Меҳр-саховат» кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ; «Меҳр-саховат» кўкрак нишонининг тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.



(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 11 майда маъқулланган

1-модда. «Саломатлик» ордени таъсис этилсин.

2-модда. «Саломатлик» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3-модда. I ва II даражали «Саломатлик» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРК-473-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил,

№ 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда) 8-моддасининг биринчи қисмига қуйидаги қўшимча ва ўзгариш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«I ва II даражали «Саломатлик» ордени»; ўн иккинчи хатбоши ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 май № ЎРК—620

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 майдаги ЎРК-620-сонли Қонуни билан ТАСДИҚЛАНГАН

«Саломатлик» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Саломатлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳамда ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланади.

«Саломатлик» ордени билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Саломатлик» ордени икки даражадан иборат бўлади: I даражали «Саломатлик» ордени; II даражали «Саломатлик» ордени.

Орденнинг олий даражаси I даражадир. Мукофотлаш, қоида тариқасида, қуйидаги тартибда: аввал II даражали ордени, орадан қанчалик уч йил ўтганидан кейин I даражали ордени билан тақдирлаш тарзида амалга оширилади.

3. I даражали «Саломатлик» ордени билан: тиббиёт соҳасини ривожлантириш, замонавий талаблар асосида таълимни яхшилаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ишларида қўшган улкан ҳиссаси учун — соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбарлари ва шифокорлари;

соғлиқни сақлаш борасида йirik хайрия ва ҳимойлик ишларини амалга оширганлиги учун — ҳимойлик хайрияларини амалга оширувчи тадбиркорлар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари; жаҳон стандартларига мос давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этганлиги учун — хорижий инвесторлар, бизнес доира ҳамда соғлиқни сақлаш тизимининг вакиллари; фармацевтика тармоғини ривожлантириш борасидаги самарали фаолияти ҳамда янги дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришни

йўлга қўйганлиги учун — фармацевтика соҳасида фаолият юритувчи ходимлар, олимлар, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий ҳамкорлар;

тиббиёт соҳаси учун чуқур касбий билим ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга малакали кадрларни тайёрлаш борасидаги катта хизматлари учун — тиббиёт олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва амалиётчи шифокорлари, тиббиёт касб-ҳунар коллежлари ва техникумларининг ўқитувчилари;

аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш бўйича тарбиёт-ташвиқот ишларини тизимли олиб бораётганлиги учун — республика ва ҳудудий тиббиёт муассасалари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг тиббиёт ходимлари, кўнгилчилар мукофотланади.

4. II даражали «Саломатлик» ордени билан: аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг барвақт олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларидаги катта хизматлари учун — республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимидаги тиббиёт муассасаларининг шифокорлари, ўрта ва касал тиббиёт ходимлари;

тез тиббий ёрдам ҳамда тиббий профилактика хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун — тор ихтисосликдаги шифокорлар, умумий амалиёт ва тез тиббий ёрдам шифокорлари;

соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашга оид давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этганлиги учун — санитария-эпидемиология назорати ва санитария-эпидемиологик

осойишталикни таъминлаш тизими ходимлари;

даволаш ва инсон умрини узайтиришга қаратилган саломатлик профилларини яратганлиги ҳамда амалиётга жорий этганлиги учун — соғлиқни сақлаш тизимидаги барча шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари;

тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, таъхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этишга қўшган салмоқли ҳиссаси учун — соғлиқни сақлаш соҳасининг илмий доира вакиллари ва юқори малакага эга бўлган шифокорлари мукофотланади.

5. I ва II даражали «Саломатлик» ордени билан бошқа шахслар ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоҳида хизматлари учун мукофотланиши мумкин.

6. I ва II даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотланган шахслар базавий мукофотлаш ва уни топишириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

7. I даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотланган шахслар базавий мукофотлашнинг ўттиз баравари миқдоридagi бир марталик пул мукофоти олади.

8. II даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотланган шахслар базавий мукофотлашнинг йигирма беш баравари миқдоридagi бир марталик пул мукофоти олади.

9. I ва II даражали «Саломатлик» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланади.

10. I ва II даражали «Саломатлик» ордени кўрақнинг чап томонида тақилади.

11. Ҳар бир мукофотланган шахсга тегишли даражали «Саломатлик» орденини топишириш билан бир вақтда мукофотланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар бериллади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 майдаги ЎРК-620-сонли Қонуни билан ТАСДИҚЛАНГАН

I ва II даражали «Саломатлик» орденининг ТАВСИФИ

I даражали «Саломатлик» ордени 1 микрок қалинликдаги 999 пробаги олтин билан қопланган кумушдан тайёрланади ва диаметри 35 миллиметрли доира шаклида бўлиб, четлари нақшкор кўринишда ҳошияланган.

Орденнинг марказида тиббиёт рамзи — «идишга ўралиб турган илон» ва «гранатит»дан ясалган юрак шаклини ушлаб турган оқик қафлар тасвирланган. Унинг айланаси бўйлаб юқори қисмида яшил эмаль фонда зарҳалланган «SALOMATLIK» ёзуви, қуйи қисмида эса орденнинг даражасини билдирувчи битта саккиз қиррали юлдузга туташган иккита дафна новдаси жойлашган. Харфлар баянлиги — 2,3 миллиметр, юлдузнинг диаметри — 3,1 миллиметр.

Орденнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган. Қуйи қисмида 2 миллиметрли улчамдаги ботик шрифт билан орден рақами туширилган. Тасвир ва ёзувлар — буртма. Орденнинг қалинлиги — 4,2 миллиметр.

Орден яшил рангли шойи лента билан қопланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадагичга илмоқча ва халқа ёрдамида уланади. Қадагичнинг ўртасида зарҳалланган дафна новдаси жойлашган.

II даражали «Саломатлик» ордени кумушдан тайёрланади. Тасвир ва ёзувлар I даражали «Саломатлик» ордени кўринишида акс эттирилган. Унинг қуйи қисмида орденнинг даражасини билдирувчи иккита саккиз қиррали юлдузга туташган иккита дафна новдаси жойлашган.

Орден яшил рангли шойи лента билан қопланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадагичга илмоқча ва халқа ёрдамида уланади. Қадагичнинг ўртасида кумуш рангда дафна новдаси жойлашган.

Қадагичнинг орқа томонида орденни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама мавжуд.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 11 майда маъқулланган

1-модда. «Соғлом турмуш» медали таъсис этилсин.

2-модда. «Соғлом турмуш» медали тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3-модда. «Соғлом турмуш» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРК-473-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда) 9-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгариш киритилсин:

«Соғлом турмуш» медали»; тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 май № ЎРК—621

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 майдаги ЎРК-621-сонли Қонуни билан ТАСДИҚЛАНГАН

«Соғлом турмуш» медали тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Соғлом турмуш» медали билан:

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ортиқча вазн ва семизликни бартараф этиш, зарарли одатларнинг олдини олиш, соғлом овқатланиш ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни кенг тарқиб қилишга қўшган катта ҳиссаси учун — соғлиқни сақлаш муассасалари шифокорлари, шу жумладан диетологлар, жисмоний тарбия инструкторлари, соғлиқни сақлаш масалаларини ва соғлом турмуш тарзини ёритувчи оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар; жисмоний тарбия билан муносабатини шугулланиш ва уни қўндалик турмуш тарзига айлантириш, соғлом ҳаёт тарзига қатъий амал қилиш борасида жамоатчиликка шахсий намуна бўлаётгани учун — фуқаролар, намунали оилалар ва спортчилар;

оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ташкил қилиш орқали уни умуммиллий ҳаракатга айлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун — барча даражадаги ташкилот ва идоралар раҳбарлари;

ўсиб келаётган авлод ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, уни жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан қўллаш, руҳий баркамолликка етказиш, қобилиятларини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун — спорт мактаблари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари, спорт тренерлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг бошқа мутахассислари;

спорт мусобақалари орқали ёшларда ирода, матонат, ўз кучи ва имкониятларига ишонч фазилатларини мустаҳкамлаш, уларда ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва садокат туйғуларини юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун —

мудофаа тизими вакиллари, юқори натижаларга эришган спортчилар ва уларнинг тренерлари, ҳакамлар ва спорт ташкилотларининг вакиллари;

жисмоний тарбия ва спортни респуббликамизда яна да ривожлантириш ва оммалаштириш, спорт ва оммавий жисмоний тарбия таъдбирларини юқори савияда ташкиллаштириш, спортчиларнинг ўзгариб бораётган машғулоти ва халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлашга қўшган ҳиссаси учун — барча даражадаги ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари раҳбарлари, ҳимойлик, спорт федерация (уюшмалари)га бириктирилган қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари мукофотланади.

2. «Соғлом турмуш» медали билан бошқа шахслар ҳам аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги алоҳида хизматлари учун мукофотланиши мумкин.

3. «Соғлом турмуш» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланади.

4. «Соғлом турмуш» медали билан мукофотланган шахслар базавий мукофотлашнинг ўттиз баравари миқдоридagi бир марталик пул мукофоти олади.

5. «Соғлом турмуш» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланади.

6. «Соғлом турмуш» медали кўрақнинг чап томонида тақилади.

7. Ҳар бир мукофотланган шахсга тегишли даражали «Соғлом турмуш» медалини топишириш билан бир вақтда мукофотланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар бериллади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 майдаги ЎРК-621-сонли Қонуни билан ТАСДИҚЛАНГАН

«Соғлом турмуш» медалининг ТАВСИФИ

«Соғлом турмуш» медали 0,25 микрок қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Медалнинг олд томони қуйи қисмида Ўзбекистон Республикасининг ҳаритаси акс эттирилган Ер шарни, унинг ҳокори қисмида эса кўтарилаётган қўш нуллари фонидида соғлом оиланинг рамзий тасвири жойлашган. Медалнинг айланаси бўйлаб яшил эмаль фонда «SOGLIOM TURMUSH» ёзуви, қуйи қисмида эса саккиз қиррали юлдузга туташган иккита дафна новдаси жойлашган. Харфлар баянлиги ва юлдузнинг диаметри — 3,2 миллиметр.

Медалнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган. Қуйи қисмида 2 миллиметрли улчамдаги ботик шрифт билан медал рақами туширилган.

Тасвир ва ёзувлар — буртма. Медалнинг қалинлиги — 3 миллиметр.

Медалнинг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Медал оқ рангли чизиклар билан ҳошияланган яшил рангдаги шойи лента қопланган беш қиррали қадагичга илмоқча ва халқа ёрдамида уланади. Лентанинг эни — 24 миллиметр, оқ рангли хошияларнинг эни — 1 миллиметр.

Қадагичнинг орқа томонида медални кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама мавжуд.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «МЕҲР-САХОВАТ» КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Меҳр-саховат» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 26 майдаги ПФ-5999-сон Фармониغا 1-илова

«Меҳр-саховат» кўкрак нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари:
– жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, глобал муаммага айланган коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар, фавқулодда ҳолатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли қўнларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани;
– танти ва олижаноб халқимизнинг буюк тарихий ва маънавий қадриятларини, миллий аъёнларини муносиб давом эттириб, меҳр-оқибат, саховат ва ҳиммат каби юксак фазилатларни улуғлаб келётгани;
– аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшгани;
– хайрия ва саховат маблағларини тўғри ва холис йўналтириш, қийин аҳволга тушган аҳолига ўз вақтида беминнат кўмак беришдаги ташаббускорлиги;
– бугунги мураккаб ва оғир шароитда жамиятда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини

мустаҳкамлашдаги фаоллиги;
– бегараз ҳоимлик ёрдами ҳамда эрга ушлари билан кўпчиликка алоҳида ўрناк бўлгани учун мукофотланади.

2. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.
3. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси Президентини ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирлик, идора ва жамоат бirlашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вақтдан ташқил бўлмаган шахслар томонидан тантанали вазиятда тапширилади.

4. Мукофотланганларга кўкрак нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.
5. «Меҳр-саховат» кўкрак нишони кўкракнинг чап томонида давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 26 майдаги ПФ-5999-сон Фармониغا 2-илова

«Меҳр-саховат» кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

«Меҳр-саховат» кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда олтун қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.
Кўкрак нишонининг марказида кўтарилаётган кўёш нурлари фониди ҳамжўрлик билан кўчиб турилган инсонларнинг рамзий тасвири акс эттирилган. Кўкрак нишонининг айланаси бўйлаб, юқори қисмида оқ эмаль фониди «MEHR-SAXOVAT» ёзуви ва қуйи қисмида иккита дафна новдаси жойлашган. Ҳарфлар баландлиги – 2,2 миллиметр.
Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги – 3 миллиметр.

Ёзув ва тасвирлар – бўртма.
Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қақариқ доира билан ўралган.

Кўкрак нишони илмок ва халқа ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларигадаг шойи лента қопланган беш қирралли қадағичга уланган.

Қадағичнинг орқа томонида кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: БЕПАРВОЛИК ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ БАРЧА ИШЛАРИМИЗ НАТИЖАСИНИ ЙЎҚҚА ЧИҚАРИШИ МУМКИН

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шу ўринда бир муҳим масалага эътибор қаратмоқчиман. Пандемиянинг иқтисодидётга таъсирини юмшатишга қаратилган 16 та ҳужжат қабул қилиди. Лекин жойларда ушбу қарорлар ижросини ташкил этиш оқсимоқда, яратилаётган шароит ва имтиёзларни фуқаролар ва тадбиркорларга манзилли еткази олимайтир.
Олий Мажлис палаталари жойлар-

да халқ депутатлари Кенгашлари билан бирга пандемияга оид Президент қарорлари ва топшириқлари ижроси юзасидан парламент ва Кенгашларнинг таъсирчан назоратини йўлга қўйиши кутилган натижа бериши мумкин.

Шунингдек, туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари, вазирлар ҳар ойда бир марта Президент қарорлари ижроси бўйича брифинг ўтказиб, оммавий ахборот воситалари, парламент вакил-

лари ва кенг жамоатчилик олдиди ҳисобот бериб борсин.

Албатта, карантин чораларини юмшатиш туфайли 19 мингдан зиёд (91 фоиз) саноат, 9 мингта (76 фоиз) қурилиш, 51 мингта (52 фоиз) хизмат кўрсатиш, 45 мингта (44 фоиз) савдо корхоналарининг фаолияти тикланди.

Бунинг натижасида май ойда солиқ ва боғжона тушумлари ўтган ойнинг шу давридагига нисбатан 230 миллиард сўмга, товар-хом ашё

биржасида қурилиш материаллари савдоси ҳажми эса 20 фоизга кўнайдди. Тижорат банклари томонидан кредит акратиш ҳажми ўтган ойнинг шу давридагига нисбатан 13 фоиз ўсди.

Бу борадаги ишларимизни карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда, ҳам тармок, ҳам худуд кесимида манзилли тарзда давом эттиришимиз лозим.

Ў.А.

ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА МЕЗОНЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 26 май куни инвестиция масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Тадбирда Инвестиция дастурининг жорий йил дастлабки тўрт ойдаги ижроси таҳлил қилиниб, прогноз кўрсаткичларини сўзсиз бажариш, жумладан, йирик ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий ва инфратузилма объектларини фойдаланишга топшириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

2020 йилги Инвестиция дастурига 3 мингдан ортиқ лойиҳалар киритилган бўлиб, уларни амалга ошириш учун 235 триллион сўмлик инвестициялар, жумладан, 7 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ўзлаштирилиши белгиланган.

Қарий бир ойдан кейин биринчи ярим йиллик туғайди. Бугунги мураккаб даврда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларнинг дастлабки натижалари юзага чиқади.

Шу боис давлатимиз раҳбари қисқа вақтларда натижа берадиган, айниқса, янги иш ўринлари яратадиган ва иқтисодий ўсишни таъминлайдиган лойиҳалар бўйича ишлаш лозимлигини таъкидлади.
Аввало, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари масаласига эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида 38 та, Тошкент вилоятида 89 та, Хоразм вилоятида 41 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари орқанда қолаётгани кайд этилди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Сув ҳўжалиги вазирлиги Инкирозга қарши курашиш жамғармасидан молиялаштириладиган объектларда қурилишни жадаллаштириш вазифаси юклатилди.

26 май куни Олмалик кон-металлургия комбинатида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, металлургия комплекслари ва 2 та мис бойитиш фабрикаси барпо этиш орқали мис ва олтун ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар оширилиб, мис ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 400 минг тонна, олтун 50 тонна ва кумуш 270 тоннагача етказилди.

Заргарлик ва электр техникаси каби тармоклар бундан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва иш ўринларини кўпайтириши зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, жорий йилги вазиятнинг инобатга олиб, кенчиктириш мумкин бўлган қурилишлар учун ажратилган

450 миллиард сўм Инвестиция дастуридан чиқарилган эди. Бу маблағнинг 150 миллиард сўми 40 минг гектар ерни ўзлаштириб, 80 мингта доимий иш ўрни яратишга йўналтирилди.

Йиғилишда ҳар бир тармок ва худуд раҳбари бюджетдан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини яна бир бор кўриб чиқиб, харажатларини оптималлаштириши зарурлиги таъкидланди.

– Ҳар бир лойиҳани амалга оширишдан олдин ушбу объект худуд ривожига ҳамоҳанглик, бундан аҳолига наф борми, қанча одам иш билан таъминланади, деган саволларга жавоб топиш шарт, — деди Шавкат Мирзиёев.
Бош вазир ўринбосарларига келаси йил учун Инвестиция дастурига биринчи навбатда янги иш ўринлари яратилган ва камбағалликни камайтиришга ёрдам берадиган лойиҳаларни киритиш мезонларини жорий этиш топширилди.

Объект қиймати, лойиҳаларнинг сифати ва уларнинг келгусидаги натижадорлиги кўп жиҳатдан лойиҳа ҳужжатларига боғлиқ. Уларнинг аксарияти халқаро талабларга жавоб бермайди, хориждан жалб қилинган компания ва мутахассислар бу лойиҳалар асосида ишлаш олмайд.

Шу боис жаҳон стандартларини тезроқ адаптация қилиш шартлиги таъкидланди. Келаси йилдан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан йирик объектларни лойиҳалашдан тортиб, уларни фойдаланишга топширишгача бўлган барча жараён халқаро меъёрлар асосида амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, лойиҳаларга маблағ ажратиш бўйича қўйилган чекловлар бекор қилинади.

Қурилиш вазирлиги лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қуриш, экспертизадан ўтказиш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш юзасидан топшириқлар берилди. Бунда лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик ва буюртмачиларнинг техник назорат

бўйича масъулияти ва жавобгарлиги ҳам аниқ белгиланади.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Жорий йилда ўзлаштирилаётган бунда қисми сармояларнинг 34 фоизи нефть-газ, энергетика, тоғ-кон ва металлургия тармоклари ҳамда 52 фоизи худудий лойиҳаларга тегишли. Шу билан бирга, электротехника, кимё ва озиқ-овқат саноатида бу каби инвестицияларни бир неча баробар ошириш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тарққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги «Усиш нуқтаси» бўла оладиган ахборот технологиялари, заргарлик, кимё, электр техникаси, олий таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига фаол сармоя жалб қилиш бўйича алоҳида ёндашувлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Умуман, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича ёндашувларни ўзгартириш, маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Бугунги кунгача фақат хориқлик инвесторлар учун кўзда тутилган имтиёзлар энди маҳаллий хусусий сармоядорлар учун ҳам жорий қилинади. Мисол учун, хусусий инвестор ўз ҳисобидан 25 миллион доллардан ортиқ қийматдаги лойиҳа бошласа, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоклари бюджет ҳисобидан қуриб берилади.

Шунингдек, чет элда яшаётган ватандошларимизни мамлакатимизга инвестиция киритишга рағбатлантириш ва улар билан доимий ишлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда пандемия сабабли ўзлаштирилмай қолган эҳтимоли бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар соҳалар ва худудлар кесимида қўриб чиқилди. Бундай лойиҳаларнинг истиқболлини ўрганиб, муддатларини кенчиктириш ёки ўрнига янгиларини киритиш мумкинлиги қайд этилди.

Халқаро молия институтлари кредитлари ҳисобига амалга оширилаётган 98 та лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш даражаси танқид қилинди. Вазирликларга муаммоларни тез орада бартараф этиб, лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Инвестиция дастури доирасида жорий йилда 206 та йирик лойиҳани

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ — ФРАКЦИЯЛАР МУҲОКАМАСИДА

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари видеоқонференцадо тарзда бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ҳамда 2020 йил биринчи чорадаги ижроси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи кўриб чиқилди ва атрофлича муҳокама қилинди.

Қайси худудларда ишсизлик даражаси юқори?

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида ўтган йили иқтисодидётга Давлат бюджетидан режалаштирилган маблағларнинг салкам 18,5 трлн. сўми ёки ЯИМга нисбатан 3,6 фоиз маблағ сарфлангани қайд этилди. Жумладан, суғориладиган ерларнинг мелiorатив холатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, мелiorатив техникалар харид қилиш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 437,3 млрд. сўм ажратилган.

Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил биринчи чорақ якунларига оид ҳисоботда келтирилганидек, жорий йилнинг биринчи чорадаги Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 9,4 фоизни ташкил қилиб, энг юқори ишсизлик даражаси 9,8 фоиз билан Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида, 9,7 фоиз билан Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳрида (7,8 фоиз) аниқланган. Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар) сони 1 399,7 минг кишини ташкил этган.

Йиғилишда ишсиз шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига кенг жалб этиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш учун давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги тегишли Фармонида мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузурида Жамоат ишлари жамғармасини ташкил этиш муҳим қадам бўлгани қайд этилди.

Халқ вакиллари аҳоли бандлигини тўлиқ таъминлаш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишсизлик даражасини қисқартириш ҳозирги пандемия

шароитида ҳар қачонгидан ҳам муҳимлигини айтиб, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томоқча хўжалиги ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар оилавий бюджети даромадларини ошириш мумкинлигини таъкидлашди.

Молиявий назорат тадбирларидаги муаммоларга эътибор қаратилди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилишида, аввало, депутатлар 2020 йилда иқтисодидётни янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, уни диверсификация қилиш ҳамда таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илгор технологияларни жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар миллий иқтисодидётнинг экспорт салоҳиятини ва рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

2019 ҳисобот йилида аҳоли умумий даромадлари 344,7 трлн. сўмни ташкил этган ва 2018 йилдагига нисбатан 106,5 фоиз реал ўсишга эришилган.

Юридагилар билан бир қаторда депутатлар жойлардаги ўрганишлар натижаларига асосланган ҳолда худудларнинг реурс салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш борасида жойларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатиш орқали иш ўринларини кўпайтириш лозимлигини қайд этишди.

Бюджет ташкилотларида давлат молиявий назорат тадбирларида молиявий ҳаттоқлар, пул маблағлари ҳамда моддий толиқларнинг камомати ва ўзлаштиришлар ҳамда ноконуний харажатлар аниқланаётгани, уларнинг йилдан-йилга доимий

ўсиб бораётганлиги алоҳида ташвиш билан айтилди.

Шунингдек, 2007 йилдан бошлаб Молия вазирлиги тизимида бюджет маблағларини бирламчи ҳамда жорий назорат функциясига ва камерал назоратга эга бўлган электрон дастур асосида ишлайдиган Фазначилик тизими яратилган бўлсада, бу тизимнинг назорат функциялари ҳозирги кунгача ишламаётгани ҳамда бундай ҳолатларни бартараф этиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларнинг камсамаралилиги депутатларнинг қизгин бахсларига сабаб бўлди.

Депутатлар давлат ташқи қарзлари масаласига тўхталиб, бунда муқобил иқтисодидёт механизмида тўлиқ фойдаланилмаётганини айтиб ўтишди. Ички қарз улушини ўстириш ҳисобига, яъни давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш орқали давлат қарзини оптималлаштиришга эришиш мумкинлиги қайд қилинди. Фракция аъзолари фикрича, ушбу таъриба давлатнинг ташқи сийёсий мустақиллигини сақлаш ҳамда ички миллий иқтисодидётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаганига изоҳ сўралди

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари муҳокама қилиш жараёнида партия саяловотида дастуридан ўрин олган соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган маблағлар ижросига эътибор қаратишди. Қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш соҳасига 2019 йилда Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 14,9 трлн. сўмни ёки ижтимоий харажатларга ажратилган маблағларнинг 23,6 фоизини ташкил қилди.

Эҳтиёжманд фуқаролар манфаатларини таъминлаш бўйича тизимли камчиликлар бор

Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар қанчалик самарали сарфланган? Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида асосий эътибор ушбу масалага қаратилди.

Ичимлик суви таъминотида бўлган талаб ошмоқда

Ўзбекистон Экология партияси фракцияси аъзолари ҳисоботи кўриб чиқишда ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда, айрим муаммолар масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Таъкидланганидек, 2019 йилда Давлат бюджет ижросидан табиати муҳофаза қилиш тадбирлари учун 251,9 млрд. сўм, аҳоли пунктларини обodonлаштириш харажатларига эса 2 047,7 млрд. сўмлик маблағлар йўналтирилган.

Шу билан бирга, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова тизимини яхшилаш учун жами 2 024,8 млрд. сўмлик маблағлар сарфланган. Шунга қарамадан мамлакат аҳолисининг ичимлик суви таъминоти 67,8 фоиздан 69,5 фоизга ошган. Депутатлар аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова тизимини тўлиқ яхшилашга қаратиш муҳим аҳамият касб этишини айтиб, Хукуматнинг мазкур соҳага эътибор қаратиши лозимлигини таъкидлашди.

Бундан ташқари, 2019 йилда арзон уй-жойлар қурилишини молиялаштириш учун Давлат бюджети параметрларида 4 078,1 млрд. сўмлик маблағлар тижорат банкларида кредит тарзида ажратиб берилган. Ҳар йили 10 минггаб хонадонлар битказилиб, ўз эгаларига етказилмоқда.

Бирок ўтган давр мобайнида барпо этилаётган уйларнинг нархлари қимматлашиб кетгани, қурилган уйларнинг сифати талабга жавоб бермаслиги ОАВ ва ижтимоий тармокларда аҳолининг қўллаб-қувватлашга сабаб бўляпти. Йиғилишда Хукумат томонидан ушбу соҳалар бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши таъкидлаб ўтилди.

Муҳокамаларда депутатлар томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан самарали, мақсадли фойдаланиш ҳамда бюджет интизомига риоя этилиши юзасидан назоратни қучайтириш, тадбирлар ижросини тўла таъминлаш бўйича фикрлар билдирилди.

Йиғилишларда кун тартибидида масала юзасидан сийёсий партиялар фракциялари позицияси белгилан олинди. Уларда, шунингдек, Қонунчилик палатаси ялли мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

БИТИРУВЧИЛАРИМИЗ ЭЛ КОРИГА ЯРАЙДИГАН ИНСОН БЎЛСИН

Пандемия даври ҳар бир оиланинг одатий турмуш тарзига ўзгартириш киритди. Ҳаммадан аввал ушбу масалага ўқувчи ва ўқитувчилар дуч келди. Улар биринчи бўлиб билим бериш ва олишнинг онлайн шаклига ўтдилар. Гарчи, мазкур усул барчамиз учун янгилик бўлса-да, унинг ўзига хос афзал хиллари ҳам мавжуд. Хусусан, бу ўқувчиларни ҳам, педагогларни ҳам ўз устида мустақил ишлашга ўргатади. Қолаверса, АКТ соҳасидаги янги технологиялардан самарали фойдаланиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Таълим

Республикамиз мактаб ўқувчилари қарийб уч ой давомида шу тарзда таҳсил олиб, кунни кеча ўқув йилини ақунладилар. Битирувчилар катта ҳаётга кузатилди. Ҳозир раҳбарлик қилаётган Сурхондарё вилоятининг Қизирик туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабида ҳам битирувчи синф ўқувчиларини кузатиш тадбирлари ўзгача бўлиб ўтди. Улар устозлари, қадрдон дўстлари, мўътабар маскани билан масофадан туриб хайрлашдилар.

Энди биз, мактаб педагоглари жамоаси учун янада қизгин палла бошланди, десак, муболага бўлмас. Аввало, шу кунларда битирувчилар билан алоҳида ишляймиз. Мактаб бўйича уларнинг

сонини 50 нафардан ортиқ бўлиб, ҳар бирига бир нафардан устоз бириктирилди. Улар, ўз навбатида, олий ёки ўрта махсус ўқув юртига киришни истаганлар учун онлайн тарзда кучли фан ўқитувчилари билан репетитор сифатида ишлашни йўлга қўйди. Ишга қирман, деган ёшларимизни ҳудудимизда бепул онлайн шаклда касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш йўлга қўйилди. Бу борада битирувчиларимиз ўртасида психолог иштирокида ўтказган сўровларимиз қўл келяпти. Улардан ҳар бирининг қизиқиши ва қобилияти яхши биламиз, шунга яраша ўқитишга ёки касбга йўналтиряймиз. Ешларимиз ҳам йўл-йўриқларимизга бажонидил қулоқ тут-

моқдалар. Мақсад эса аниқ — токи бизнинг мактабимизни тарқатган “қалдирғочлар”дан ҳар бири мустақкам оёққа турсин, эл қорига ярайдиган инсон бўлиб камолга етсин...

Давлатимиз раҳбарининг 5 муҳим ташаббусини рўёбга чиқаришга ҳам жиддий эътибор қаратяймиз. Пандемия шароитида биз бу ташаббусларни оила шароитида амалга оширишга бел боғлаганмиз. Бунда ҳам энг асосий мезон — ўқувчиларимизнинг қизиқиши ва қобилияти бўлмоқда. Жумладан, карантиндан аввал қайси ўқувчимиз спорт тўғрисида, қайси бири рақс ёки замонавий коммуникация технологиялари йўналиши бўйича машғулотларга қатнаган бўлса, ҳозирги пайтда уй шароитида ҳам шу машғулотларни давом эттиришмоқдалар. Бунда карантин қоидаларига риоя этиш ҳолда, ижтимоий масофани сақлаб, уйма-уй юриб, болаларнинг беш ташаббуси йўналишидаги қизиқишларини рўёбга чиқариш учун хонадонларда қандай шарт-шароит борлиги билан танишмоқдамиз. Хусусан, оилавий кутубхоналар замон талабига жавоб берадими, хонадонларда интернетдан фойдаланиш имкони борми, болаларнинг уйда

рақс ёки спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар қай даражада — мана шу саволларга ойдинлик киритиб, зарур ҳолларда оилаларга керакли ёрдам кўрсатиляпти.

Шунинг баробарида, янги ўқув йилига ҳам тайёргарликни бошлаб юбордик. Ўқув режаларимизда масофавий таълимга хос жиҳатларни инобатга олиб, замонавий технологиялардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг мустақил ишлашни таъминлашга ҳам аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда бошланиб кетган таъмирлаш жараёнларида эса мактабимизда санитария талабларига мувофиқ шароитларни таъминламоқдамиз.

Пандемия билан боғлиқ вазият бизни мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланишга ўргатмоқда. Бу жараёнларда Халқ таълими вазирлиги, вилоят ва туман халқ таълими бўлинмалари мактабларга имкон қадар барча йўналишда ёрдам бермоқда. Демак, таълим тарбия жараёни нафақат давом этмоқда, балки сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Бахтигул БЎТАЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

АЁЛЛАРИНИ БАХТЛИ ҚИЛГАН ЖАМИЯТ ҲАР ҚАНДАЙ МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШГА ҚОДИР

Ҳозирги пандемия шароитида ҳеч кимга осон бўлаётгани йўқ. Хусусан, дунёнинг деярли барча минтақасида гендер муаммолари жиддийлашди. Хотин-қизлар иқтисодий ҳолати ёмонлашиб бораётгани, аёлларга нисбатан уй шароитида зўравонлик ва камситишнинг турли шакллари кўпайётгани деярли барча давлатларни ташвишга солмоқда.

Гендер тенглик

Шундан келиб чиқиб, мамлакатларда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиляпти, шу жумладан, бизда ҳам. Карантин даврида Ўзбекистон хотин-қизлари ёлғизлашиб қўйилмади. Бандликни таъминлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, болали аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича миллий лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга ошириш, нафақа олувчилар тоифаси ва сонини кўпайтириш Ҳукуматимиз ҳамда Президентимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги уч йил давоми гендер тенглиги таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари

қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Масалан, Ҳимоя ордери тўғрисида низоом қабул қилинди. Карантин даврида таълим ва зўравонликка учраган хотин-қизлар мурожаатлари асосида ички ишлар органлари томонидан 375 та ҳимоя ордери расмийлаштирилди.

Табиқий, бағаришимиз зарур бўлган вазифалар ҳам кўп. Уйда аёлларга нисбатан зўравонлик ва камситишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз керак. Бу борада эса халқаро тажриба қўл келади. Негаки, глобаллашув жараёнида ҳар қайси давлат ҳеч бир масалани алоҳида ҳал этолмайди. Шундан келиб чиқиб, хо-

тин-қизларнинг, айниқса, қишлоқлардаги опа-сингилларимизнинг бандлиги ва ўзини ўзи банд қилишнинг таъминлаш бўйича ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш дастурларини ишлаб чиқишда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳамда лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, электрон савдо майдончалари яратиш дастурларини татбиқ этиш, улардан фермер ҳужалиқлари ҳамда кичик корхоналарнинг раҳбар-аёллари кенг фойдаланишини таъминлаш муҳим вазифаларимиздан саналади. Умуман олганда, гендер тенглик масаласида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Аммо шунинг ўзи билан кифояланиб қолишимиз мумкин эмас. Зеро, аёлларини бахтли қилган жамият ҳар қандай марраларни забт этишга қодир.

Назира МУХТОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЯНГИ ТУМАНДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

Ҳўш, орадан ўтган қисқа вақт мобайнида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

Яқинда халқ депутатлари туман Кенгашининг илк сессияси қақарилиб, туман раҳбарлари лавозимларга тасдиқланди. Ҳозирги пайтда Тупроққалъа тумани ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, юзга келадиган ижтимоий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида Республика комиссияси иш олиб борапти.

ювиш воситалари, автомобиль роатдорлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, кўеб иситкичлари, бир марталик стерилланган тиббиёт қўлқоплари ва оёқ кийимлари ишлаб чиқаришмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида қиймати 19,5 миллион долларга тенг 5 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бу орқали 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Янги туманда санонат ва қишлоқ ҳўжалиги билан бир қаторда туризмни ривожлантиришга ҳам катта

Ўтган даврда ишчи гуруҳ томонидан туман иқтисодиётини ривожлантиришда асқатадиган, умумий қиймати бир триллион сўмликдан ортиқ 68 та лойиҳа маъқулланди. Яъни 3 минг бош қоромолга мўлжалланган чорвачилик, 300 минг бош жўжа боқиш учун паррандачилик мажмуалари ва 300 гектар майдонда замонавий иссиқхона, 300 гектар қўлда эса интенсив усулда балиқ етиштириш йўлга қўйилди. Президентимизнинг юқорида айтиб ўтилган қорориди “Ҳазораси” эркин иқтисодий зонаси учун белгиланган имтиёз ва преференциялар янги туманнинг бутун ҳудудида амал қилиши белгиланган бўлиб, бу хорижий ва маҳаллий инвестицияларнинг кириб келишида муҳим омил бўлади, албатта.

эътибор қаратилмоқда. Чунки ушбу ҳудуднинг туризм салоҳияти юқори. Аникрофи, бу ерда Уч ўчоқ, Мешкиқалъа, Сартарошқалъа, Тупроққалъа, Карвонсарой, Хумбузтепа каби 3 минг йиллик тарихга эга мейморий обидалар борки, бу ҳар қандай сайёҳнинг эътиборини тортиши аниқ. Қолаверса, Амударё бўйлари ва сахро кенгликларининг гўзал манзаралари экологик ва экстремал туризмни ривожлантиришда қўл келади.

Тумани ривожлантириш билан боғлиқ истиқболдаги вазифалар ҳам талайгина. Масалан, бир қатор вазирилқлар ва Ҳоразм вилояти о к о м л и г и 2020 йил 1 сентябрга қадар Тупроққалъа тумани марказининг 2035 йилгача бўлган бош режасини ишлаб

чиқишлари керак. Ана шу режа асосида ҳудудда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилади. Қарабсизки, бир неча йилдан сўнг Тупроққалъа замонавий қиёфаси, ривожланган саноят билан мамлакат тарақиётида муҳим ўринга эга бўлади.

Фароҳа САДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИН ВА ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ЮКСАЛИШИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, мазкур соҳадаги таклиф ҳамда тавсияларни амалга ошириш бўйича 2018 йил 4 майдаги парламент палаталари Кенгашларининг қўшма қарорлари билан тасдиқланган “Йўл харитаси” ижроси юзасида парламент эшитуви видеоконференция тарзида ўтказилган эди. Унда Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида мамлакатимизда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида жуда катта ишлар амалга ошириляётгани эътироф этилди. Бу ҳақда иштирокчилар фикрлари билан қизикдик.

Бизнинг интервью

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари:



— БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид 2017 йилнинг октябр ойида Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида диний эркинликларни таъминлаш, ибодат қилиш учун муносиб шароитларни ҳозирлаш, ислом маърифатини кенг тарқатини этиш борасида муҳим фикр-мулоҳазаларини берган эди. Ушбу тавсиялар асосида “Йўл харитаси” ташкил қилинди. Натижда берилган 52 та тавсиянинг 51 таси бажарилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихида янги воқеалар — минглаб маҳкумларнинг афв қилиниши ёки ўтган икки йилдан кўпроқ вақт мобайнида бир пайтлар диний экстремистик гуруҳларга мойиллиги бор, деб назоратга олинган 20 мингдан зиёд фуқаролар Президентимиз ташаббуси билан “махсус ҳисоблар”дан чиқарилиши эътиборга молик иш бўлди. Мана шундай фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишлари, жамиятда ўз ўринла-

рини топишлари ҳамда иқтисодий жиҳатдан ўзларини тиклаб олишлари йўлида уламоларимиз ва имом-домлаларимиз ҳам яқиндан кўмак беришди.

Шунингдек, масжид-мадрасаларни давлат рўйхатидан ўтказишда бир қатор имтиёз ва энгилликлар берилиши, хусусан, давлат божлари қисқартирилиши, талаб қилинадиган ҳужжатлар қисқартирилиши аниқ муқддо бўлди. Натижда кейинги йилларда юртимизнинг турли вилоятларида 30 га яқин янги масжидлар давлат рўйхатидан ўтказилиб, улар сони 2066 тага етказилди. Яна 6 та жоме масжид-ни давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари оlib борилмоқда.

Иккита олий мадраса фаолияти йўлга қўйилди, ани кунларда яна битта диний таълим муассасасини ташкил этиш ишлари охирига етказилмоқда.

Бундан ташқари, иختисослаштирилган илмий мактаблар ва илмий-тадқиқот марказлари фаолиятига асос солинди.

Шунингдек, диний нашрларни чоп этиш, сайт ва ижтимоий тармоқларда ислом дини маърифати мавзуларини кенг ёритишда эркинлик таъминлашиши баробарида, салмоқ ва сифат ҳам сезиларли ошди.

Яна бир муҳим жиҳат: Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни тайёрлашда фаол қатнашди. Уламолар ўзларининг аниқ ва асосланган тақлифларини тақдим этишида ҳамда улар мазкур ҳужжатга киритилди.

Митрополит ВИКЕНТЕЙ,
Рус православ чerkови Тошкент ва Ўзбекистон епархияси раҳбари:



— Ўзбек халқи асрлар давомида бошқа миллат вакиллари билан аҳил-иноқ ва ҳам-жиҳат бўлиб яшаб келади. Шунга яраша турли конфессия, миллий-этниқ гуруҳ ва фаолиятини муваффақиятли олиб борапти.

Айтиб ўтилган фикрлар шундан далолат берадики, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқи кўп сонли ёрдамга муҳтож, бошпанасиз қолган оқ-очарно, бошига қулфат тушган одамларни, хусусан, етим-есирларни қабул қилган.

Ўзбекистон ҳукумати бугунги кунда ҳам ушбу тенденцияни сақлаб қолган. Православ объектлари — Дўстобод шаҳридаги Авлиё Покровский аёллар монастыри ва Чирчиқ шаҳридаги Авлиё Георгий эркаклар монастыри ибодатхона комплекслари реставрация қилинган бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мамлакатда амалда бўлган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун турли конфессиялар ўртасидаги ҳурмат ҳамда бағрикенгликни кафолатлайди, ҳар бир фуқаро учун эътиқод эркинлигини тақдим этади.

Ежи МАЦУЛЕВИЧ,
Рим-католик чerkови епископи:



— Кўп миллатли ва конфессияли, турли динлар қарор топган жамият ўзаро ҳам-жиҳатлик ҳамда тинчликнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Ўз эътиқодлари ва умумий фаровонлиқни оқилона излаш асосида уларнинг эгалари дин эркинлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларига масъулият билан ёндашишлари лозим.

Ижтимоий макон муайян ҳақиқатлар ва эзгулик, қолаверса, маънавий иноқлик юзга келишига хизмат қилади. Бу эса адолатли ҳамда тинч-тотув ҳаёт кечиртиш пойдеворидир.

Буюк эътиқодлар етакчилари ўзларининг тасвири ва ҳукмронлигидан келиб чиқиб биринчилардан бўлиб ўзаро ҳурмат ҳамда мулоқотга қачириб келишади.

Черковнинг ўзи турли динларда ҳақиқий ва муқаддас саналадиган бирор нарсани рад этмайди. Мухтарам Иоанн Павел II томонидан 1986 йилда Ассизида асос солинган Жаҳон ибодатлар кўни маърифат йўлидаги муҳим қадамга айланди. Ушунда буюк динлар етакчилари дин бўлиниш ва мазҳабларнинг эмас, балки бирик ва тинчлик омилли эканлигига гувоҳлик беришганди.

2018 йил 12 декабрь кўни БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг янги сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини қабул қилди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Санджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



КОРОНАВИРУС – ЖИЛОВЛАНМАГАН ОФАТ

У ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪСИР ЎТКАЗМОҚДА?

Уни инсон кўзи билан кўриш имконсиз. Ҳажми ва массаси энг митти заррага тенг. Бироқ туғдираётган хавфи, келтириётган мусибату талафотлари кўлами глобал.

Таҳлил

Ҳамма бирдай оёққа турди

Экологик ҳалоқат, иқлим ўзгаришлари, қашшоқлик, чучук сув танқислиги, захиралар камайиши каби глобал муаммолар ҳар йили БМТ минбарларидан туриб айтилади. Уларга қарши чора-тадбирларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш зарурлиги ҳусусида бонг урилади. Аммо негадир саъй-ҳаракатлар, кучлар етарли даражада бирлашмайди. Дунё мамлакатлари бирдай оёққа турмайди.

Бирок бу гал ундай бўлмади. Ҳатто олис сайёраларни ҳам забт этаётган одам боласининг ақл-идроки заррадай инфекцияни жиловланган охирига қилди. Ҳозир жаҳон "тождор" вирусдан фақат бир чора — ундан ҳимояланиш билан қифояланмоқда. Бу хавфли хасталикни масофа сақлаш, ўзимизни яқкалаш, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш билан даф қилишимиз мумкинлигини англадик.

Ҳозир коронавирус кириб борган ҳеч бир давлатга осон туриб бўлмайди. Аввало, аҳолининг жонини омон сақлаб қолиш зарур. Бу карантин қоидаларини жорий қилиш, дегани. Яъни кўплаб ташкилот уйдоралар, корхонаю муассасалар фаолиятини вақтинча тўхтатиш тақозо этилади. Айтайлик, даромадининг катта қисми сайёҳлик соҳаси улушига тўғри келадиган мамлакатлар пандемия оқибатига қанчалик танг вазиятга тушиб қолди экан? Йирик-йирик заводлар ишлаб чиқаришни тақа-тақ тўхтатгани ҳисобига бундан тадбиркорлар ҳам, аҳоли ҳам, давлат ҳам қанчалик зиён кўраётганини тасаввур қилишнинг ўзи оғир. Иккинчидан, касалликка чалинганларни даволаш, инфекция юқтирилганда гумон қилинганлари 3-4 маҳал озиқ-овқат, тиббий назорат, алоҳида изоляцияланган тураржой билан таъминлаш катта сарф-харажатларни талаб этади.

Шу боис пандемия шароитида ҳар бир мамлакат ўз ички имконияти, салоҳиятини келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбирларни белгилапти. Коронавирусга қарши курашишда давлатларнинг бажараётган вазифаларига қараб уларни қийсан уч гуруҳга ажратилиши мумкин.

Биринчи гуруҳга қатъий карантин чораларини татбиқ этган мамлакатлар мансуб. Аввало, Хитой, кейинроқ Ўзбекистон ва бошқа қатор давлатлар шу йўлдан боришди.

Иккинчи гуруҳга Япония, Бразилия каби айрим давлатлар таърибасини мисол қилиб келтирсак бўлади. Улар карантин чораларини ихтиёрли равишда, масофани сақлаган ҳолда жорий этишди.

Учинчи гуруҳга Швеция ва Беларусь каби давлатларни киритсак бўлади. Мазкур ҳудудларда карантин чоралари умуман жорий этилмади. Фақат аҳолига коронавирუსга чалинмасликнинг олдини олиш ёки касалланганда уни қандай муолажа қилиш бўйича тавсиялар берилди, ҳолос. Албатта, ҳар бир ёндашувнинг ўзига хос ютуқ ва

Чексиз коинотда майда заррамиз

Коронавируснинг салбий таъсири деярли ҳеч бир соҳани четлаб ўтгани йўқ. Айниқса, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат саноти негизда жиддий муаммо ва ташвишлар юзга келаётди. Ҳатто пандемия асоратлари дунёнинг психологик қиёфасини ҳам ўзгартириб юборгани рост.

Нима учун? Чунки инсоният коронавирус каби бундай катта офатга тайёр эмасди. Тўғри, тарихда қанчадан-қанча жанг жаддалар, жаҳон урушлари, 50 миллионлаб кишиларнинг умрига зомин бўлган ўлатлар одам боласини анча тоблаган. Лекин ҳозиргидай тараққиёт асрида қандайдир бир нотаниш инфекция бутун борлик олдига инсон жуда кичик ва айна дамба оғиз жонзотлигини барчамаизга яна бир қарра эслатиб қўйди. Оқибатда ҳимояланишга мажбур бўлдик.

Бундай вазиятда энг оғир кў давлат раҳбарлари гарданига тушди. Фуқаролар уйда ўтириб, касаллик қачон даф бўлишини кутиши мумкин, лекин давлат раҳбарлари бундай йўл тута олишмайди. Негаки, улар миллионлаб инсонлар ҳаётига бевосита жавобгар. Шундай экан, ўз ҳаётини ҳам эҳтиётлаш баробарида, мамлакатни мушкул вазиятдан эсон-омон олиб чиқиш ҳақида кечаю кундуз жон қойишарди. Пандемия шароитида давлат раҳбарлари олдига бир савол қўнган бўлди: аввал одамларни қутқариш керакми ёки иқтисодиётни?

100 йил аввал топилган жавоб

Иқтисодиётнинг ўз қонуниятлари бор. Унга риоя этиш муваффақиятни кафолатлайди. Баъзан эса бу соҳа таваккалчиликларни ҳам маъқуллайди. Энг тўғри натижани эса вақт кўрсатади.

Мана, аксарият давлатлар коронавирუსга қарши курашда карантин қоидаларини жорий этиб, бунинг иқтисодиётга етказадиган катта зарарига қўл силташди. Ўз навбатида, биз-неши "сунъий кома" ҳолатига тушириб, карантин эълон қилишга шашмаётганлар ҳам бор.

Ҳўш, аслида қай бири тўғри? Аввал иқтисодиётни қутқариш керакми ёки одамларни? Бир гуруҳ америкалик олимлар бу саволга жавоб излаш учун ўз йил аввалги воқеаларга мурожаат қилишди. Аниқланишича, ҳозирги тотал карантин инсоният учун янгилик эмас. Бир аср аввал ҳам одамлар худди шундай вазиятга тушишган. Биринчи жаҳон урушидан кейин "испан гриппи" номи билан пандемия 50 миллион кишини ҳаётдан олиб кетган. Ушанда Ер юзидидаги ҳар учинчи одамдан бири бу инфекцияни юқтириб олган ва ҳар ўнинчи одамдан бири қўрбон бўлган.

Юз йил аввалги офат тўғрисида ҳам

одамлар уйдан чиқмасликка даъват этилган. Никоб тақиш мажбурий қоида тусини олган. Завод ва фабрикалар ўз ишини тўхтатган.

Авалга ҳамма учун қийин бўлган. Лекин ўзаро мулоқотларни чеклаган, шахсий гигиенага қатъий амал қилишни талаб этиб, одамлар саломатлигини сақлаб қолишга алоҳида эътибор берган давлатлар тезроқ оёққа турган.

АҚШ Марказий банки ҳамда Мас-сачусетс технология институти иқтисодчилари ҳамкорликда ўтказган суриштирув натижалари ҳам шунини тасдиқлайди. Уларнинг хулосасига кўра, кескин чоралар кўриб касаллик тарқалишининг олдини олган шаҳарлар эпидемия вақтида зарар кўрган бўлса-да, кейинчалик улар қолганлардан жаддалроқ ўсишга эришдилар.

Яна бир қизиқарли факт: карантин чоралари ўлимлар сонини қисқартириш баробарида, пандемия келтирган иқтисодий зарарнинг олдини ҳам олган.

Ҳар ўтган кун ганимат

1918 йилги "испан гриппи" АҚШда Шарқдан Ғарбга қараб тарқалган. Инфекция икки тўлқинда ривожланди. Баҳорги кўришчи, қишқиси эса ундан ҳам дахшатли кўриниш олади... АҚШ Ғарбидида Сиэтл, Лос-Анжелес шаҳарлари вирус энг охири бўлиб кириб борган шаҳарлардир.

Ушанда худди ҳозирги сингари зарур чоралар кўрилади: мактаблар, театрлар, черковлар ёпилади. Жамоат жойларида тўпланиб туриш тақиқланади. Жамоат транспортлари ҳаракати тўхтатилади. Дафн маросимлари тор доирада ўтказилиши белгилаб қўйилади. Ўзини ихоталаш тизими жорий этилиб, ижтимоий масофа сақлаш мажбурий тартибга айланади. Қолаверса, ниқоб тақиш ва кўлни тез-тез ювиш ҳам "тренд"да бўлган.

Америкалик иқтисодчилар тадқиқотлари орқали яна бир ҳақиқат юзга чиқди. Яъни 1918 йили мамлакат шаҳарларида карантин эълон қилиш билан боғлиқ ҳар бир кун кейинчалик иқтисодий кўрсаткичларга таъсир этган. Масалан, 10 кун аввал карантин жорий қилган штатлар пандемиядан сўнг бошқа ҳудудларга нисбатан 5 фоиз кўпроқ иш ўрни яратди олган. Чеклов мuddатини 50 кунга узайтирганлар кўрсаткичлари эса бундан ҳам аяло — 6,5 фоиз зиёд иш ўринлари!..

Айни шу хулосалар коронавирუს пандемияси даврида Ғарб давлатлари раҳбарларини карантин чораларини кучайтиришга ундамоқда. Мазкур жараёнда асосий ургу одамларни қутқариб қолишга қаратилган. Зеро, одамлар ҳаётини қутқариб қолиш пировард натижада иқтисодиётни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунга қарамай, ҳозир карантин чекловларини жорий этишга шашмаётган мамлакатлар ҳам бор. Улар — бизнеснинг тўхтаб қолмаслиги тарафдорлари. Масалан, Дональд Трамп аввалга жуда хотиржам эди. "Одамлар коронавирусдан кўра автоалоқатдан кўпроқ ўлишди, аммо биз бунинг учун автомобиль ишлаб чиқаришни тақиқламаймиз-ку?", деганди у ўшанда.

Аммо Оқ уй раҳбари тезда фикрини ўзгартириб, чекловлар зарурлиги ҳақида гапира бошлади. Бирок тиллога тенг фурсатлар йўқотилди. Оқибат эса маълум. АҚШ айна дамба вирус тарқалиши бўйича дунёда етакчи. Агар керакли чоралар кўрилмаса, "тождор" офат бу ерда 2 миллионгача одамнинг умрига зомин бўлиши мумкин.

Бразилия Президенти Жаир Болсонару ҳам шундай йўл тутди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига намойишкорона қарши чиқарган, "Твиттер" ва "Инстаграм" унинг саҳифаларини блоклаб қўйди. Худди шундай, Эрон президенти Ҳасан Рухоний коронавирус тахлиқаси бошланган вақтда уни "душманларнинг хужуми" деб атаб, одамларни ишга чиқаришга ундаганди.

Коронавирусни писанд қилмасликда Беларусь Президенти Александр Лукашенкога етадигани йўқ. У мамлакатда ҳеч қандай чеклов жорий қилмади. Футбол ва хоккей бўйича чемпионатларни тўхтатмади. Ҳатто бир гал хоккей ўйинида қатнашиб, беписандларча шундай деди: "Кани, муз майдониди бирорта вирус учиб юрганини кўрдимизми? Мен ҳам кўрмадим. Вирусга қарши энг яхши восита — муз. Тиз қўби яшагандан тик туриб ўлган яхши".

Карантиннинг ҳам зиёни, ҳам фойдаси бор

Карантиннинг мамлакатлар иқтисодиётга зарари бениҳоя катта. Шу билан бирга, фойдаси ҳам йўқ эмас!

Авал ёмондан бошласак. Жаҳон иқтисодиётининг пойдевори нима? Фаол ҳаёт тарзи! Одамлар ресторону барлар, спорт заллари клубларга нима учун боришади? Чиройли либослар кийишдан, хашамдор машиналар сотиб олишдан мурда не? Албатта, аввало, кўз-кўз қилиш учун. Карантин эса одамларни уйда ўтиришга мажбур қилди. Табиийки, нофоал ҳаёт тарзида кимгадир кўз-кўз бўлиш имконсиз. Бундан ташқари, карантин вақтида ҳамма ишчи кучи уйда, ишлаб чиқариш ва савдо деярли тўхтади.

Оқибатда тадбиркорлик ривожланиши ҳам узилиш юзга келади. Банкротлик кўпайиб, корхоналар ёпилади, одамларнинг тирикчилиги пугур етди. Буларнинг барчаси йўғилиб банклар фаолиятига таъсир кўрсатади. Жумладан, қарздорлик кўпайиб, кредитлар вақтида ёпиқмайди, банкларнинг ликвидлик даражаси тушиб кетиши натижада кредит беришда қийналиб қолишади. Кредитсиз эса бизнес бўлмайди.

Ҳўш, карантиннинг фойдаси қандай? Гап шундаки, бундай чекловлар одамларни нафақат турли касалликлар ва уларнинг асоратларидан, балки катта иқтисодий зарарлардан ҳам сақлайди. Албатта, бунинг натижаси бир кундаёқ юзга чиқмас. Лекин вақт ўтиши билан бунинг самараси кўзга ташлана бошлади.

Яна бир қизиқарли факт: карантин даврида одамлар пулларини эҳтиётлаб харжлашга оdatланишади. Мелбел, машина сотиб олиш, концерт томошаларга бориш, денгиз соҳилларида дам олиш каби оруз-хаваслар иккинчи даражада масалага айланади. Касаллик даф бўлиб, омон-замонлар бошланган эса бундай нарсаларга эҳтиёш шу қадар узоқ вақт юқори бўлиб турадики, пировардида ўша соҳалар руруллаб ривожланиб кетади.

Тўғри-да, 2-3 ой уйда ўтирган одам ўзини ресторонларга уради, машина ишқибозлари янги-янги автомобиллар сотиб олишади. Саёҳатни соғинганлар аэропортларга ошиқшади. Қарабсизки, карантиндан сўнг бу соҳалар бир неча йил ичида ўз қаддини тиклаб олади.

Ҳозир коронавирус келтирадиган зарар миқдорини аниқ айтиш мушкул. Чунки у қачон ҳаётимиздан буткул чи-

қиб кетишини билмаймиз. Маълумотларга кўра, 1918 йили "испан гриппи" АҚШда ишлаб чиқариш ҳажми 18 фоиз камайишига сабаб бўлган экан. Америкалик олимлар агар карантин бўлмаганда, аҳвол бунданам ёмон бўлиши мумкин эди, деб ҳисоблашади.

Ҳар ҳолда коронавируснинг асоратлари у қадар катталашиб кетмаса керак. Бунинг учун, масалан, АҚШ ўзи акцилинкроз режаси учун 2,2 триллион доллар пул ажратди. Германия тадбиркорларга 500 миллиард евро кредит берди. Бутун дунёда авиакомпанияларга ҳукуматлар томонидан ёрдам кўрсатилмоқда.

Кутилмаганда содир бўлган бундай инкнрозлар, биринчи навбатда, кескин муносабатларни келтириб чиқариши табиий. Бирок дунёнинг кўплаб минтақаларида можаролар давом этаётган, Ғарб ўз муаммоларини ўзи ҳал этишга қийналаётган бир даврда тарқалган COVID-19 дунё тарихида янги саҳифаларни очини мумкин.

Совуқ урушдан сўнг глобаллашув ва кўп кутбили мунозаралари кун тартибига кўтарилган бўлса, коронавирус кутилмаганда айна шу глобаллашув жараёнларини карантин остига олди ва шу тарихи унинг олға силжишини сўроқ остига қўйди.

Қолаверса, АҚШнинг ушбу эпидемияга қарши курашдаги ҳолати ҳокимиятнинг гегемоник тенденцияси ва қиёфасига пугур етказди. Шу билан бир қаторда, янги дунё тартиботи ҳимоячиларининг ҳам ўз "насиба"ларини олишга мажбур қилди.

Қолаверса, Хитойнинг эпидемияга қарши курашдаги тутуми дунёдаги муаммолар ечим топмайди, балки турли-тумлини ўзгаришда давом этаверади, деган хавотирни кучайтирмоқда.

Коронавируснинг жаҳон тизимидаги илк сиёсий қиёфаси давлатлар дуч келадиган қийинчиликлар, уларнинг муносабати ва олинган натижалар орқали "чишилиши" мумкин.

Пандемия рақамли дунёнинг ривожланиши ва виртуал муҳитдаги харидларга кенг йўл очса, ажаб эмас. Бинобарин, "тождор" вируснинг иқтисодий оқибатлари, шунингдек, нефть қазиб олиш ҳамда нархлар борасидаги тортишувлар ушбу соҳаларда Хитойга бир қатор афзалликларни тақдим этиши ҳақиқатга ақинроқ.

Жараённинг ҳали кун тартибига кўтарилмаган яна бир масаласи бор. Бу халқларнинг бошқарув жараёнида янада кўпроқ иштирок этишга хоҳиши ортишида намоён бўлиши мумкин. Зотан, карантин шароитида ҳукумат қарор ва чора-тадбирларини ўзгартиришда жамоатчилик фикри ҳамда талаби муҳим аҳамият касб этганига кўп гувоҳ бўлдик.

Жаҳон инкнрозга тайёرمи?

Эпидемия нафақат одамлар соғлиги ва яшаш тарзига, балки давлат бошқаруви тизимига ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда.

Маълумки, давлат ва фуқаро муносабатларидаги барқарорлик ҳар икки томон учун ҳам муҳим. Фуқаролар ўз иқтисодий фаолияти натижаси ўлароқ давлатга солиқ тўлайдилар. Зотан, ижтимоий фаолият издан чиқмаслиги учун бу керак. Давлат эса ушбу жараённинг тўғри йўлда давом этиши учун макро жараёнлар (ишлаб чиқариш, хавфсизлик, соғлиқни сақлаш)ни яхши мувофиқлаштириши лозим.

Ҳозирги пандемия шароитида ресурсларни аҳолига қай тарзда тақсимлаш муаммоси мамлакатлар олдига турган энг асосий масалалардан би-



рига айланган. Шу боис ҳам март ойи бошида давлатлар катта миқёсдаги "қутқарув пакетлари"ни эълон қилишди. Шу аснода улар глобал эпидемия оқибату асоратларини юмшатишди. Бу ҳолат давлатларнинг инкнрозга тайёр эмаслигини ифодаляди.

Аммо мазкур эпидемиянинг жамият, иқтисодиёт, сиёсат ва геосиёсатга таъсири узоқ мuddатли бўлади. Ушбу таъсирлар турли мамлакатларда турлича намоён бўлиши табиий. Бироқ мамлакатларнинг институционал туризмалари ва маданий динамикаси бу жараён йўналишини белгилашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Мазкур жараёнда капиталистик ва либерал давлатлар инкнрозни ўз қобилига қамалиш йўли билан эмас, балки дунёга очилиш билан ҳал этиши мумкин. Чунки ушбу улкан муаммони ҳал қилиш учун ички ресурслар етарли бўлмаслиги кундай равшан. Шу тариха асосий динамика ҳамкорликка эътибор берадиган сиёсат томон силжиши.

Давлат қандай йўл тутиши керак?

Ҳозир одамларнинг ижтимоий ёрдамга эҳтиёжи ҳар қачонгидан кучли. Бунда ҳукумат зиммасига фуқаролик институтини имкон қадар мустақамлаш вазифаси тушади. Ана шундай шароитда давлат фақат иқтисодий тақсимлаш механизмлари татбиқ қилиш билан қифояланиб қолмаслиги керак. Жамиятни бирлаштириш усуллари ҳам амалга татбиқ этилиши лозим. Бундан ташқари, давлат янги даврга мос келувчи изоҳотларга таяниш билан бир қаторда, глобал сиёсатга уйғун қадам ташлаши керак.

Бу борада мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари иш бошлаганига бир ойдан ошди. Натижада минглаб оилаларнинг мушкулли омон бўлди. Шаҳар ва туманлар марказларига тушаётган мурожаатлар асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳеч бир оила эътибордан четда қолаётгани йўқ. Саховатдан барча баҳраманд бўляпти. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида барча соҳа вакиллари, жумладан, зиёлилар қатлами баҳоли қудрат муҳтожларга ёрдам қилини чўзмоқда.

Чикарадинг умумий хулосасини шундай: бундай кутилмаган инкнрозларнинг узил-кесил олдини олиш имконсиз. Аммо уларни бошқариш мумкин. Бунга қодир бўлганлар эса дунёдаги ўзгариш ва эришлишларга энг кўп ҳисса қўшушчиларга айландилар. Ўзбекистон ҳам ана шундай мамлакатлар сафига қўшилишидан умидворимиз!

Бекдавлат АЛИЕВ, фалсафа фанлари доктори, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори.

ЭЪЛОНЛАР

АВТОМОБИЛЬ ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси 6 ст-135, 6 ст-74, 6 ст-60, 6 ст-50, 6 ст-40, 6 ст-35 турдаги аккумулятор батареяларини харид қилиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олади. Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 календарь кунни давомида қабул қилинади.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш йўли билан, 15 фоиз олдиндан тўлов асосида амалга оширилади.

Кўшимча маълумотлар Академиянинг irb.uz сайтида жойлаштирилган.

Маълумот учун телефонлар: 71-258-56-57, 71-281-38-70, 97-412-80-86.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сон қарорига асосан Тошкент вилоятининг Ангрен, Олмалик шаҳарлари ҳамда Қибрай, Қуйи Чирчик, Оққўрғон, Зангиота, Пискент туманларидаги бўш ҳудудларни тадбиркорларга бириктириш мақсадида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатишни ташкил этиш учун e-auction.uz сайти орқали танлов эълон қилинади.

Тадбиркорларни танловда қатнашишга таклиф этамиз.

Ушбу жойда СИЗНИНГ РЕКЛАМАНГИЗ БЎЛИШИ МУМКИН ЭДИ!

«Халқ сўзи»даги Реклама

БИЗНЕСНИНГИЗНИ Қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚўЁЗМАЛАР ТАҚРИБ ҚИЛНМАЙДИ ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6